

**Т.С.Маликов**

*ТМИ “Молия” илмий мактаби раҳбари,  
иқтисод фанлари доктори, профессор*

## **МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ: ҲАЗРАТ НАВОИЙ ТАЛҚИНИ – 1**

Олдимизда турган барча муаммоларни ва айниқса, уларнинг молиявийларини ҳам оқилона ва самарали ҳал этишда илғор хориж тажрибасига таяниш – одат тусига кирган. Бунга анча бўлди. “У ўзига хос “мода” тусини олди ҳам!”, - десак хато қилмаган бўламиз.

Ҳақиқатдан ҳам, бу масалада гоҳ у, гоҳ бу мамлакатнинг тажрибаларини ўрганиб, улардан ижодий ва ижобий хулосалар чиқариб, қарорлар қабул қилаёلمиз. Шунингдек, ҳамон А.Смит, Д.Рикардо, С.Симон, Ж.Кейнс, Ж.Сакс, П.Самуэльсон, С.Фишер ва бошқаларнинг фикрларига таяниб иш кўришни афзал билаяёلمиз.

Албатта, бу – бекорга эмас. Зеро, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Шунинг учун бу ўринларда биз мамлакатимиздаги муаммоларни ҳал этишда уларнинг роли ва аҳамиятини пасайтириш ёки камситишдан асло йироқмиз. Шундай бўлса-да, негадир ўша тавсия ва тажрибалар бизнинг мамлакатимизда ўз кучи ёки таъсирчанлигини етарли даражада кўрсатмаётир. Уларнинг самарадорлиги ҳам – нисбатан паст даражада. Шунинг учун ҳам уларга таяниб қабул қилинган қарорларнинг натижаларини бизда ҳам, ҳарқалай, ўша мамлакатлардагидек, яъни рисоладагидек деб бўлмади. Бу ҳам – сир эмас.

Хўш, бундай вазиятда қандай иш тутиш керак? Муаммонинг ечими қаерда? Нима қилсак бўлади? Бизнингча, бунинг энг тўғри йўлларида бири аждодларимиз меросига мурожаат қилиб, ундан кенг фойдаланиш ҳисобланади.

Шу муносабат билан бизда замонавий молиявий муаммоларни ҳал этишда аждодларимиз меросидан фойдаланишнинг нақадар мақсадга мувофиқлиги хусусида бир неча туркум мақолалар эълон қилиш истаги туғилди. Бунинг учун, дастлаб, буюк аждодимиз А.Навоий меросига мурожаат қилдик. У билан ҳатто юзаки танишувдан келиб чиқиши мумкин бўлган хулосалар, бизнингча, замонавий молиявий муаммоларни ҳал қилиш ёки замонавий молиявий муносабатларни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ҳам принципиал аҳамиятга эга. Ишонмасангиз, марҳамат, менинг ёнимда туриб, ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўрингчи, қандай хулосаларга келар экансиз!?!...

Академик Абдулла Аъзамнинг фикрича буюк аждодимиз ўз ғазалларининг бирида

“Добон берган киши эрдур, валекин  
Демай берганга эрлик бил мусаллам.

Не деб, не берса билгил они хотун,  
Дебон бермасни хотундин дағи кам”

деган экан. Бунинг маъносини мухтарам академигимиз куйидагича талқин қилибдилар: “Хайрия қиламан деб, қилганни инсон бил, аммо сўрашини кутиб ўтирмай хайрия қилганни аълороқ бил. Шунча бераман, дея ўшанча берган у қадар сахий эмас, умидвор қилиб бермаганни эса умуман инсон санама”<sup>1</sup>.

Албатта, Навоий ҳазратларининг бу мисраларда акс эттирилган фикрларини бевосита идрок этишда замонавий тадқиқотчиларимиз (айниқса, уларнинг иқтисодчи-молиячилари) маълум бир қийинчилик ёки мураккабликларга (масалан, мурожаат этилиши мумкин бўлган асл манбаларнинг араб алифбоси ва бунинг устига, назмда ёзилганлиги, уларни тушунишнинг осон эмаслиги ва б.) дуч келиши, табиий. Тўғриси, яшириб ёки ортиқча чираниб ҳам, нима қилдик?! Бу “масала”да илмий тишимизнинг “ўтмаслашиб” қолганига анча бўлган. Бунинг устига, замонавий молиявий муносабатларни такомиллаштиришда аждодларимиз меросидан фойдаланиш масаласида фаоллик кўрсатаётганлар ҳам – бармоқ билан санарли даражада...

Энди Навоий ҳазратларининг юқоридаги мисраларда акс этган фикрларини замонавий молиявий муаммоларни ҳал этишда қандай роль ўйнаши мумкинлигини хусусида мулоҳаза юритайлик. Бунинг учун, бизнингча, энг аввало, ўша ердаги “инсон бил” иборасига алоҳида эътибор бериб, “старт”ни шу ердан олмоқ лозим.

Ҳақиқатдан ҳам бу ёруғ дунёда яшаётган ва соғлом фикрлайдиган одамизодларнинг ҳар бири ўзини инсон сифатида эътироф этилишини истади. Уларнинг орасида аксинча фикрда бўлганлар эса – йўқ: ҳар биримиз ўзимизни “Мен ҳам инсонман!”, - деб ҳисоблаймиз. Навоий бобомиз эса, энг аввало, “Хайрия қиламан деб, қилганни инсон бил!”, - дея бонг урмоқда. Бундан кўриниб турибдики, Навоий ҳазратларича шахснинг инсон деб эътироф этилиши негизларининг бири сифатида “Хайрия қиламан!”, - деб, уни ҳақиқатдан ҳам “Қилиш!” ётмоғи даркор.

Энди куйидагиларга бир эътибор берайлик-а: ўзини инсон деб эътироф этувчи бизларнинг орамизда “Хайрия қиламан!” дегувчилар борми? Бор бўлса, уларнинг салмоғи қанча?...

Бизнингча, аслида қуруқ сўз бўлишига қарамасдан, шу тарзда айтувчилар сони унчалик кўп эмас. Айтган бўлишига қарамасдан, уни амалда қилганлар сони эса – ундан-да кам.

Бунинг устига, “Хайрия қиламан!”, - деганларнинг ҳаммаси ҳам шу ишнинг уддасидан чиқаяптими? Холисона тан олайлик: буни ҳамма ҳам эплай олмаяпти.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Абдулла Аъзам. Аброрлар хайрати. // Жаҳон адабиёти. Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал. 2021 йил, 6-сон. 27-28-бетлар.

Энди юқорида келтирилган мисраларнинг иккинчисига эътибор берайлик. Унга кўра, ҳазрат Навоий “Сўрашини кутиб ўтирмай хайрия қилганни инсондан ҳам аълороқ билиш керак”,- демоқда. Орамизда ўзини инсондан ҳам устунроқ кўришни истовчилар йўқми? Бор, албатта. Шундай ниятда бўлганлар, албатта, ўз мақсадларига эришишлари мумкин. Бунинг учун улар, биринчи навбатда, сўрашини кутиб ўтирмай хайрия қилишлари керак. Бунга ким ёки кимлар қодир? Бунинг учун инсон қандай бўлиши лозим?...

Мисралар учинчисининг маъноси “Шунча бераман, дея ўшанча берган у қадар сахий эмас” эканлигини англатишдан иборат. Бизнингча, бунинг яна бир маъноси хайриянинг миннат қилиб берилмаслигини англатишдир. Ҳақиқатдан ҳам хайрия миннат қилиб бериладиган бўлса, у ҳожат ёки нажотга эмас, балки заҳар-заққумга айланиши мумкин. Бунинг устига, сахий инсонга – миннат хос эмас.

Охирги, тўртинчи мисранинг маъносига қаранг-а, у нимадан дарак бермоқда?: “Умидвор қилиб бермаганни эса умуман инсон санама!”. Яъни кимдан-ким “Хайрия қиламан!” деб кимнидир умидвор қилса-да, “Шу ишни амалга оширмаса, ул зот инсон номига нолайик!”, - демоқда ҳазрат Навоий.

Энди қуйидаги саволларнинг жавобини топишга бир ҳаракат қилиб кўрайликчи, қандай “манзара”нинг гувоҳи бўларканмиз?: бизнинг жамият (мамлакат)имизда ўзини инсон сифатида эътироф этиб келаётганларнинг неча фоизи “хайрия масаласи”да Навоий бобомиз назарда тутган “ҳолат”га ҳамоҳанг? Ўзбекистон аҳолисининг қанча қисми бобомиз “мезон”ларига жавоб бериши мумкин? “Тадбиркорлар” тоифасига кирувчиларнинг бу масалада “аҳвол”лари қандай? Булар ҳар бирининг бор-йўғи 1,0%и шу “хислат”ларга эга бўлса, молиявий муаммолар қандай кўриниш оларди?...

Бу ўринда биз, бир томондан, жуда оддий ва иккинчи томондан, ўта мураккаб бўлган саволларга ўз жавобларимизни атайин батафсил баён қилмоқчи эмасмиз. Ҳисоб-китобларимиз натижаларини ҳам келтиришдан йироқмиз. Фақат “бир нарса”ни алоҳида таъкидлаш билан чекланамиз, холос. У қуйидагидан иборат: “хайрия масаласи”да ҳазрат Навоийнинг орзулари ижобат бўлса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, аҳоли фаровонлиги ва Ватан равнақи аллақачон таъминланарди. Ахир, асосий мақсадимиз ҳам шундан иборат эмасми? У ҳолда бундай мақсадга қандай эришиш мумкин?: илғор хориж тажрибаси ва ғарб мутафаккирларининг таълимотларига кўр-кўрона таяниб, иш тутиш керакми ёки Навоий ҳазратлари каби буюк аждодларимиз меросига мурожаат қилиб, ўз йўлимизни топиб олишимиз лозимми?...

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Аъзам. Аброрлар хайрати. // Жаҳон адабиёти. Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал. 2021 йил, 6-сон. 27-28-бетлар.

2. Маликов Т.С. Тарихчилар, темуршунослар нега жим? // “Адолат”. Ижтимоий-сиёсий газета. 9 апрель 2021 йил. 15 (1332)-сон. 2,0 б.
3. Маликов Т.С. Молия: назарий асослар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2021. – 428 б. 25,9 б.т.ҳ.
4. Маликов Т.С. Молиявий саводхонлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2021. – 404 б. 24,0 б.т.ҳ.
5. Маликов Т.С. Илмга эътиқод ва садоқат. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2020. – 360 б. 22,5 б.т.ҳ.
6. Маликов Т.С. Молиявий саводхонликни оширишга “яшил чироқ” – давр талаби // “Молия”, 2020 йил 3-сони. Б. 17-24 б. (ҳаммуаллифликда). - 8,0 б.
7. Маликов Т.С. Иқтисод (молия) илмида таржима аҳволини кескин яхшилаш – таълим сифатини оширишнинг муҳим омили // “Молия”, 2020 йил 2-сони. Б. 5-9. – 5,0 б.
8. Маликов Т. Инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизимини ривожлантириш: унда аждодларимиз хизматларидан фойдаланиш мумкинми? (ёки А.Навоий молиявий қарашларига бир назар) // “Инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари” мавзуси Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2020 йил 18 апрель. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2020. - Б.24-26.
9. Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 404 б. 24,3 б.т.ҳ.
10. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 804 б., 47,2 б.т.(ҳаммуаллифликда)
11. Маликов Т.С. Таржима – аслиятни сақлаш демакдир... // Молиячи. – 2019 йил октябрь сони. – 6,0 б.
12. Маликов Т.С. Соҳибқирон бобомизнинг молия илмидаги хизматларига бир назар. // Молиячи. – 2019 йил 4-сони. 5-10-бетлар (ҳаммуаллифликда).
13. Маликов Т.С. Ўзбекистон молия тизимини ислоҳ қилишда аждодларимиз меросидан фойдаланишнинг айрим масалалари // Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида мамлакат молия тизимини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари. Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий конференция материаллари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2019 йил 4 июнь. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 556 б. Б. 3-9. (ҳаммуаллифликда).
14. Маликов Т.С. Устозларни ёд этиб ва эъзозлаб. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 204 б. 12,4 б.т.ҳ.
15. Маликов Т.С. Буюк Темур бобомизнинг молия илмидаги хизматларини эътироф этиб... // Молиячи. – 2019 йил апрель сони. – 7,0 б.

- 16.Маликов Т.С. Молия фани ривож: унда аждодларимиз ҳиссаси қандай бўлган? // Молиячи. – 2018 йил февраль сони. – 6,0 б. (О.О.Олимжонов билан ҳаммуаллифликда).
- 17.Маликов Т.С. Академик сабоқлари. // Молиячи. – 2018 йил май сони. – 6,0 б.
- 18.Маликов Т.С. Молия фани шаклланиши ва ривожланишида аждодларимиз хизмати хусусида баъзи мулоҳазалар. // “Молия”, 2018 йил 4-сон. Б. 5-15. – 11,0 б.